



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 1 ноябрь, № 226 (7456)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни мамлакатимизда амалий ташир билан бўлиб турган Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Николай Патрушевни қабул қилди.



Президентимиз меҳмонни самимий қутлар экан, икки давлат раҳбарларининг мунтазам ва самарали мулоқоти тўғрисидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари

жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Николай Патрушев, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун сидқидилдан миннатдорлик билдириб, Россия

Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликка оид, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари,

жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хавфсизликка таҳдид солаётган замоний хатарларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик қилиш, ҳарбий ва ҳарбий-техник

соҳаларда амалий шерикликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Божхона маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 19 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **227-модда** иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги тартирда баён этилсин:

«товарлар ва транспорт воситалари мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади»;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги институционал ислохотлар доирасида молия секторининг барқарорлигини, унинг глобал молия тизимида интеграциялашувни таъминлаш, банк хизматларининг сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятларини, биринчи навбатида, хусусий бизнес ва аҳоли учун ошириш чоралари қўрилди.

Давлат улушига эга бўлган тижорат банкларида замонвий корпоратив бошқарув тамойиллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фаолият самарадорлиги ва инвестициявий жозибадорлигини

ошириш орқали уларнинг шаклини ўзгартириш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, банк секторини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илғор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонвий усулларини жорий этиш асосида тижорат банклари ходимларининг билими ва малакасини оширишни тақозо этмоқда.

Корпоратив бошқарув, молиявий менежмент, аудит, молиявий хатарларни бошқариш, ахборот-коммуникация технологиялари, қимматли қоғозлар

бозори соҳаларида банк секторининг юқори малакали кадрларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, банк ходимларини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг илғор халқаро тажрибасини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси банк тизими кадрлари салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари этиб белгилансин:

кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро стандартларга ва илғор хорижий таърибага асосланган тизимли ёндашув;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ЯҒОНА МИЛЛИЙ МЕҲНАТ ТИЗИМИ» ИДОРАЛАРАРО ДАСТУРИЙ-АППАРАТ КОМПЛЕКСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда электрон ҳукумати ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан, маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш, аҳоли мувожазларини қўриб қолтириш ҳамда маъмуриятнинг шифоқлиги ва оптималлашувини таъминлаш, фаол тадбиркорликни рағбатлантириш, шунингдек, инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган давлат хизматлари кўрсатишни кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт ютуқларининг имкониятлари тўла рўйга чиқарилаётган қатор соҳалар сақланиб

қолмоқда. Хусусан, ижтимоий-меҳнат соҳасида замонвий ахборот технологиялари етарли даражада фаол қўлланилмаётганлиги, аҳоли мувожазларини қўриб қолтириш бўйича иш юритиш, асосан, қорғоз шаклида амалга оширилмоқда, бу эса ходимнинг, айниқса, пенсия таъминоти ҳуқуқларини расмийлаштиришда меҳнат стажини ҳисоблашни мураккаблаштиради, шунингдек, аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотларнинг нотўғри кўрсатилишига шариат яратди ва маъмурий бошқарув хатарларини кўпайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-

сон Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва уларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш механизминини такомиллаштириш, ижтимоий-меҳнат соҳасига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ХАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкентда 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши аппаратлари ўртасида навбатдаги икки томонлама маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

Мулоқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Махмудов ва Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Николай Патрушев раислигида ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги босқичи стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари руҳида барқарор ривожланмоқда. Икки томонлама яқин алоқалар барча

йўналишларда кенгайиб, минтақалараро мулоқот самарали мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон — Россия маслаҳатлашувлари механизми мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни изчил, жадал ривожлантиришдек умумий мақсадга хизмат қилиши, икки мамлакат халқлари манфаатига тўлиқ жавоб бериши қайд этилди. Тинчликни таъминлашга йўналтирилган таъкидланди.

3

Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

КЛАСТЕР — ЯНГИ ДАВРНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯСИ

У ҳудудларни қоқоқлик исканжасидан ҳалос этиб, тараққиёт сари бошламоқда.

Қуйи Чирчиқ тумани Вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режими ортиси билан бажарди. Бу хабарни эшитганлар орасида аввалига ишонмаганлар ҳам кўп бўлди. Ахир шу пайтгача ҳудуд қишлоқ

ҳўжалиги соҳасида охириги ўринларда юрарди-да. Пахтакор фермерлар бундан 12 йил бурун зиммасига олган мажбуриятни уддалаганини ҳисобга олмаганда, сўнгги 25 – 30 йил ичида режа бажарилганини кекса деҳқонлар ҳам эслолмайди.

Бу йил-чи? Биринчи теримдаёқ туманда шартномада кўрсатилган ҳосил — 27 минг тоннадан ортқ пахта йиғиб-териб олинди. Мавсум якуни бўйича ҳосилдорлик 35 центнердан, ялпи ҳосил эса 30 минг тоннадан ошиши кутилмоқда.

Табий савол туғилади: Ўтган йили атиги 11 центнердан ҳосил берган экин майдонларининг "баррака сандиги" қандай очилди? Гапнинг индालлоси, янги даврнинг янги иқтисодий ғояси — кластер ана шундай имкониятни туҳфа

қилди. Давлатимиз раҳбарининг таъаббуси билан амалиётга жорий қилинган бу усул аграр соҳани қоқоқлик исканжасидан ҳалос этиб, тараққиёт сари бошламоқда.

4

